

36-сонли нашр
Март 2019 й.

Ўзбекистонда фермер хўжаликлари реструктуризацияси: Истиқболдаги вазифалар


Мартин Петрик
Нодир Джанибеков

Давлат буюртмасига асосланган пахта ишлаб чиқариш тизими 25 йилдан кўпроқ давом этгандан сўнг, қишлоқ хўжалиги диверсификацияси ва пахта майдонларининг қисқариши Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги модернизациялаш стратегиясининг ёрқин хусусиятларидан бирини ифодалайди. Қишлоқ хўжалиги ислохотларининг динамикасини ҳисобга олган ҳолда ушбу таҳлилий тавсиянома ўз олдига фермер хўжаликларининг ҳозирги кунгача реструктуризация бўйича эришган муваффақиятларини баҳолашни мақсад қилиб қўяди. Шунингдек, таҳлилий тавсиянома қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлигини рағбатлантириш учун ҳукумат аъзолари ислохотларнинг ижтимоий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда келгусида нима қилиш керак, деган саволга жавоб излайди. 1990 йилларда собиқ жамоа хўжаликлари ер майдонларининг дастлабки қисқариши ва номинал ғалла мустақиллигига эришилгандан сўнг, ҳукумат фермер хўжалиги тармоғи учун янги моделни топишга ҳаракат қилди. 2019 йилнинг январ ойида ҳукумат фермер хўжаликлари ер майдонларини муқобиллаштиришнинг янги босқичини бошлади. Ҳукумат аъзоларига асосий эътиборни фермер хўжаликларининг аниқ фаолият тури ёки ўртача ер майдони ҳажмини белгилаб беришдан кўра, барча фермерлар ҳаққоний бозор сигналларини олиши ҳамда давлат хизматларининг оптимал тўплами билан таъминланишига кўмаклашиш тавсия этилади. Маҳсулотлар ва ресурслар бозорининг босқичма-босқич эркинлашуви юқорида таъкидланган мақсадларни амалга оширилишини таъминлайди. Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалигидаги муваффақиятли трансформацияси рўй бериши учун бу жараён турли мулк шаклларига асосланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари учун ривожланган давлат хизматлари билан тўлдирилиши зарур. Юқорида қайд этилган ислохотлар айниқса шахсий томорқа хўжаликлари учун қишлоқ хўжалигидан ташқарида даромад олиш имкониятларини кенгайтиради.

Кириш

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон ҳукумати республикадаги фермер хўжаликлари таркибига пахта ва ғалла ишлаб чиқаришга таъсир этувчи асосий ислохотлар па-

раметри сифатида қараб келмоқда. 2008 йилгача аграр соҳадаги хўжаликларнинг реструктуризацияси деколлективизация стратегияси асосида амалга оширилди, натижада хусусий ҳолда ердан фойдаланувчи кичик фермер хўжаликлари ташкил этилди (1-Расм). Аммо, ерга бўлган мулкчи-



1 – Расм: Ўзбекистонда фермер хўжаликлари сони ва экин майдони, 1992–2016

Эслатма: Фермер хўжаликнинг ўртача экин майдони хўжаликнинг ўртача ер майдони ҳажми деб олинди.

Манба: Расмий статистикага асосланган ҳолда IАМО ва Жаҳон Банки мутахассисларининг маълумотлари.


ликнинг эгаллик ҳуқуқи давлат ихтиёрида қолиши ҳамда фермер хўжаликлари учун пахта ва ғалла етиштириш режалари ҳозирги кунгача сақланиб қелмоқда. Уруғлик, ўғит, машина-трактор хизматлари фермерларга асосан давлат ташкилотлари томонидан етказиб берилмоқда. Фермерлар пахта ва ғалладан ташқари бошқа экинларни мустақил етиштириш ва сотиш ҳуқуқига эга. Давлатнинг аграр сиёсати экспорт тушумларини мустаҳкамлашда икки хил нарх тизимига асосланган пахта хом-ашёси етиштиришни стабил ҳолда ушлаб туриш ҳамда ғаллани етарли миқдорда етиштиришга қаратилган (Zorya et al., 2019).

Мамлакат ҳукумати фермер хўжаликлари самарадорлигидан қониқмаганлиги ҳамда сув таъминоти инфратузилмаси билан хўжаликлар ер майдонлари ҳажмининг мос келмаслигини инobatга олиб 2008 йилдан кейин фермер хўжаликларини муқобиллаштирди. 2015 йилдан кейин пахта ва ғалла майдонлари ўрнида бошқа экин турларини диверсификациялаш масаласи асосий вазифага айланди ва фермер хўжаликлари сони яна кўпайтирилди. Бундан ташқари мамлакатнинг янги ҳукумати анъанавий экин турлари ҳосилдорлигини ошириш баробарида мева-сабзавотлар ва бошқа юқори қийматли экинларни ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришни мақсад қилиб кўймоқда. Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, етказиб бериш ва бошқа хизматларни ўзида жамлаган кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантирилиши режалаштирилмоқда. 2018/2019 йиллардаги энг сўнгги ислохотлар ўз олдига пахта етиштирувчи хўжаликлар негизда давлат харид тизими ўрнини босадиган хусусий пахта-текстил кластерларини ташкил этишни

мақсад қилган. Дастлаб Навоий вилоятида тажриба лойиҳа сифатида бошланган пахтачилик тармоғини кластеризациялашдан ҳукуматнинг кўзлаган режаси – келгусида республиканинг жами қишлоқ хўжалиги майдонининг ярмини пахта-текстил кластерларига ўтказишдан иборат. Ушбу стратегия хусусий инвестицияларни жалб этган ҳолда фермер хўжаликлари реструктуризациясининг олдинги босқичларига қараганда кўпроқ ҳажмда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланишини назарда тутди.

Пахта ва ғалла буюртмалари хусусий инвестиция ва маҳсулотлар диверсификациясини чеклайди

Мустақилликнинг дастлабки йилларида бошланган ислохотлар пахта ва ғалла таклифининг барқарорлигини таъминлаб мамлакатнинг ғалла мустақиллигига муваффақиятли эришишига хизмат қилди (Zorya et al., 2019). Бу эса ўз навбатида иккала маҳсулот учун сезиларли равишда қишлоқ хўжалик ерларини ажратилишини талаб этди. Мевачилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари майдонлари ошган бўлсада (2-Расм), пахта ва ғалла экинлари 10 йил олдинги ҳолатдагидек умумий майдоннинг 70 фоизини эгаллаб келмоқда. Пахтачилик тармоғида кластерларнинг ташкил этилишига қарамасдан, маҳсулот ишлаб чиқаришдаги давлат режалари ва ҳукумат томонидан белгиланган нарх ҳамда ишлаб чиқариш ресурсларини етказиб беришдаги давлат назорати сақланиб қолмоқда. Экин майдонларини кенгайтирилишига қарамасдан, ғалла мустақиллигига эришиш иқтисодий жиҳатдан самарадорликка олиб



2 – Расм: Фермер хўжаликлариغا ихтисослиги бўйича ажратилган ер майдонлари, 2006–2016, минг га ҳисобида
 Эслатма: 1 – расмдаги экин майдонларидан фарқли ушбу расмда умумий майдон, жумладан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши айланмасида (оборотида) бўлмаган майдон, пичанзорлар, боғ ва кўп йиллик ўсимликлар билан банд майдонлар акс эттирилган. Манба: Расмий статистикага асосланган ҳолда IАМО ва Жаҳон Банки мутахассисларининг маълумотлари.

келмади. Маҳаллий ғалла одатда чорвага озуқа мақсадларида ишлатилиб, Ўзбекистонлик истеъмолчилар юқори сифатли ҳисобланган, асосан Қозоғистондан импорт қилинадиган лалмикор ғалладан тайёрланган нонни афзал кўришади.

Шу билан бирга, стратегик бўлмаган экинларни етиштирувчилар учун ишлаб чиқариш ресурсларини сотиб олиш имконияти чекланган. Юқори қийматли экинлар етиштирувчи фермер хўжаликлари ўғит, ёқилғи, машина-трактор, кредит, қиймат занжири ва экспорт каналларидан фойдаланишда чекловларга дуч келмоқда. Пахта ва ғалла учун ер ажратиш амалиёти бозор сигналлари асосида амалга оширилмаяпти. Сув таъминоти барқарорлиги ва тақсимотидаги муаммолар қониқарли равишда ҳал этилмаган. Мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича ижобий ўзгаришларга қарамасдан, баъзи ҳолларда маҳаллий ҳокимиятлар бюджет ташкилотларида ишловчи ходимларни пахта йиғим-теримида жалб этишда давом этмоқда. Йиллар давомида таъкидлаб келинган пахта йиғим-теримини кенг кўламда механизациялаштириш масалалари ҳанузгача амалга оширилмай келмоқда. Ҳукумат қарорларига асосланган, ўзгарувчан бўлган фермер хўжаликларининг реструктуризацияси ва ерга бўлган мулкчиликда эгалик ҳуқуқининг заифлиги фермерлар ўртасида менежмент ҳамда инвестицион қизиқишнинг сусайишига ва натижада қишлоқ ҳудудларида ер муносабатлари бўйича муаммоларни яратди (Djanibekov et al., 2013). Ушбу барча номуносивликлар фермерларнинг пахта ҳамда ғалла ҳосилдорлиги ва сифатини оширишда ёки уларни бошқа экинлар билан муваффақиятли диверсификациялашда қийинчиликларни туғдирмоқда.

Ўзбекистонда фермерчиликнинг келажаги

Ўзбекистон ҳукумати бошқа Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари каби ўзининг фермер хўжалиги тармоғи учун мос моделни ишлаб чиқишга ҳаракат қилиб келмоқда. Дастлабки мунозаралар фермер хўжаликлари учун мақбул бўлган ўртача ер майдонлари тўғрисида олиб борилган. Бунда советлар давридаги жамоа хўжаликлари билан бирга хусусий томорқа хўжаликларининг мавжуд бўлиши тадбиқ қилиниши мумкин бўлган модел сифатида кўриб чиқилган. Жаҳон тажрибасига кўра фермер хўжаликлари турли шароитларга мустақил мослаша олиш имкониятига эга бўлиши шарт. Бу айниқса ер майдонлари чекланган, аҳоли зичлиги ва урбанизация даражаси юқори, ва қишлоқ аҳолиси миграцияси кучли бўлган Осиё мамлакатлари учун муҳим аҳамият касб этади (Otsuka et al., 2016). Ҳукумат аъзоларига асосий эътиборни фермер хўжаликларининг аниқ фаолият тури ёки ўртача ер майдони ҳажмини белгилаб беришдан кўра, барча фермерлар ҳаққоний бозор сигналларини олиши ҳамда давлат хизматларининг оптимал тўплами билан таъминланишига кўмаклашиш тавсия этилади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ўрта ҳажмдаги фермер ва майда томорқа хўжаликлари асосий ишлаб чиқарувчилар бўлиб ҳисобланади. Пахта ва ғалла ишлаб чиқариш фермер хўжаликларининг ердан фойдаланишида устунлик қилса, юқори қийматли экинлар ва чорвачилик маҳсулотлари томорқа хўжаликларида етиштирилади. Бунда фермер хўжаликлари фаолиятида давлат аралашуви кузатилса, томорқа хўжаликлари қиймат занжирига боғланиш ва зарурий хизматлардан фойдаланишдаги муаммолар сабабли қишлоқ хўжалигидан ташқари соҳада бандлик имкониятларини излашга ҳаракат қилишади.

Қишлоқ хўжалигидаги либерал бозор муҳити иқтисодиётнинг барча кўламларидаги танқисликлар тўғрисида сигналларни бериш имкониятига эга бўлиб, бу ўз навбатида ишлаб чиқарувчиларнинг фойда ва самарадорлигини оширади ҳамда турли хил фермер хўжаликларига меҳнатни тақсимлашда холисона ёндошишга имкон яратади. Келгусида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими муҳим бўлган давлат хизматлари, яъни ирригация ва транспорт инфратузилмаси, ноу-хоу ёки маҳаллий ва халқаро савдони ривожлантирувчи қоидалар орқали бозор механизмларни тўлдириши керак. Шу билан биргаликда мамлакат ҳукумати барча хўжаликларнинг хизматларга бўлган талаби бир хил эмаслигини ҳисобга олиши керак. Тижорат фаолиятига асосланган фермер хўжаликларининг (гарчи ер майдони кичик бўлишига қарамасдан) хизматларга бўлган талаблари томорқа хўжаликлар эҳтиёжи учун зарур бўлган хизматлардан фарқли эканлигини инобатга олиниши керак.

Истиқболдаги вазифалар

Иқтисодиётни эркинлаштириш бўйича сўнги ислохотларнинг таъсири фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришини диверсификациялаш мақсадлари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиши керак. Молиявий маблағларнинг етишмаслиги, маркетинг каналлари билан алоқаларнинг йўқлиги, намунавий фермерларнинг камлиги ва муқобил қишлоқ хўжалик технологияларини ишлатишдаги тажрибасизлик қишлоқ хўжалигида пахта ва буғдойдан бошқа экин майдонларининг кенгайишига тўсиқ бўлмоқда (Petrick and Djanibekov, 2016). Бу борада, қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошлигини кучайтиришга ва ҳосилдорликни оширишга қаратилган дадил ислохотлар зарурдир. Ушбу ислохотлар қуйидаги кенг қамровли вазифаларни амалга оширилишини таъминлаши керак (Zoya et al., 2019):

- Биринчи босқичда, фермер хўжаликлари пахта ва ғалла етиштириш мажбуриятларини бекор қилиш орқали “фермер хўжалигини юритиш эркинлиги”ни таъминлаш. Қишлоқ хўжалиги рентабиллигини ошириш учун фермерга тўланадиган пахта ва ғалла нархларини ошириш. Фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришида тўсиқларни юзага келтириши мумкин бўлган янги буюртмалар, яъни юқори қийматли экинлар етиштириш ёки диверсификация қилиш каби ларни жорий этмаслик. Қишлоқ хўжалиги сервисларидан, жумладан сув, техника, ноу-хау ва савдо қилиш имкониятларидан фойдаланишни кучайтириш. Ушбу ўзгаришларнинг фойдали томонларини намойиш эта оладиган пилот ҳудудларни яратиш.
- Иккинчи босқичда, фермер хўжаликлари реструктуризациясини бозор сигналларига асосланган ҳолда амалга оширилиши учун ер бо-

зорини эркинлаштириш. Ушбу босқич фермер хўжаликлари ерларини тўлиқ хусусийлаштирилишини талаб қилмайди. Аксинча, бу вазифа ижара муносабатларини қонунийлаштирилишини, ерни давлат томонидан мусодара қилиш хавфини бекор қилинишини, меҳнат шартномаларини расмийлаштирилишини ҳамда кредит ва ресурслар билан боғлиқ тижорат муносабатларини давлат назоратидан ташқарида амалга оширилишини талаб қилади.

- Субсидияларни давлат хизматларини самарали етказишга, жумладан, ерни рўйхатга олиш ва консалтинг хизматларини жадаллаштиришга йўналтириш. Жамоавий ҳаракатлар ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш бўйича тадбирлар учун янада қулай муҳит яратиш. Қишлоқ хўжалиги бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш.
- Қўллаб-қувватлашларни кучайтириш, айниқса кичик турдаги ишлаб чиқарувчилар учун ер ва кредит муносабатларида юзага келадиган транзакция харажатларни камайитириш, масалан шаффоф маълумотлар, шунингдек, онлайн ва универсал хизматлар тизимини тақдим этиш; маҳаллий мева ва сабзавотларни қайта ишловчи корхоналар, давлат ветеринария хизматлари билан таъминланган қушхона ёки сут заводларини ташкил этишга кўмаклашиш.

Ўсиб бораётган қишлоқ ҳудудлари аҳолисини келажакда иш билан таъминланиши ва даромадлари кафолатланиши ҳукумат томонидан эътиборга олинадиган асосий масалалардан биридир (Varis, 2014). Бу эса қишлоқ хўжалигидан ташқари тармоқларда ислохотларни талаб қилади. Яъни тармоқ ходимларининг катта қисмини озод қилмасдан қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш имконияти мавжуд эмас. Саноатнинг қуйи ва юқори буғин тармоқларига хусусий инвестициялар ва экспорт бозорларига тадбиркорларнинг киритилиши туфайли қишлоқ аҳолиси учун янги иш жойлари яратилади ва солиқлар базаси кенгайтирилади. Аммо қишлоқ хўжалигини тубдан модернизациялаш ноқишлоқ хўжалиги иқтисодиётини жонлантиришга йўналтирилган кенг кўламли ислохотларга ҳам боғлиқдир.

Қўшимча маълумотлар

Фойдаланилган адабиётлар

Djanibekov, U., Van Assche, K., Boezeman, D., Djanibekov, N. (2013): Understanding contracts in evolving agro-economies: Farmers, dehqans and networks in Khorezm, Uzbekistan. *Journal of Rural Studies* 32, 137-147.

Otsuka, K., Liu, Y., Yamauchi, F. (2016): The future of small farms in Asia. *Development Policy Review* 34, 441–461.

Petrick, M., Djanibekov, N. (2016): Obstacles to crop diversification and cotton harvest mechanisation: Farm survey evidence from two contrasting districts in Uzbekistan. IAMO Discussion Paper No. 153, Halle (Saale). <http://purl.umh.edu/234226>

Varis, O. (2014): Curb vast water use in Central Asia. *Nature* 514, 27–29.

Ушбу таҳлилий тавсиянома Жаҳон Банки билан ҳамкорликда ва қуйидаги мақолага асосланган ҳолда тайёрланди:

Zorya, S., Djanibekov, N., Petrick, M. (2019): *Farm Restructuring in Uzbekistan: How Did It Go and What is Next?* Washington, D.C.: World Bank Group. <http://documents.worldbank.org/curated/en/686761549308557243/Farm-Restructuring-in-Uzbekistan-How-Did-It-Go-and-What-is-Next>

Контактлар

Нодир Джанибеков
djanibekov@iamo.de
тел.: +49 345 2928-128

Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Лейбниц Институту (IAMO)
Theodor-Lieser-Str. 2
06120 Halle (Saale)
Germany
www.iamo.de/en

Мартин Петрик Германиянинг Юстус Либих номидаги Гиссен университетининг профессори ва IAMO мутахассиси, Нодир Джанибеков IAMO илмий ходими.

Босма нашр:
ISBN 978-3-95992-075-9

Онлайн нашр:
ISBN 978-3-95992-076-6

IAMO

Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Лейбниц Институти (IAMO)

Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Лейбниц Институти (IAMO) қишлоқ ҳудудлари ҳамда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғида иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ўзгариш жараёнларини таҳлил этади. Институтнинг тадқиқот ҳудудларига йириклашаётган Европа Иттифоқи, Марказий, Шарқий ва Жануби-шарқий Европа, шунингдек Марказий ва Шарқий Осиёдаги ўтиш даври мамлакатлари киради. IAMO институционал, таркибий ва технологик ўзгаришлар бўйича

тадқиқотларни олиб боришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бундан ташқари IAMO ўтиш давридаги жараёнларнинг қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат тармоғи ва қишлоқ аҳолиси яшаш шароитларига таъсирини ўрганади. Тадқиқотимиз натижалари корхоналар, қишлоқ хўжалик бозорлари ва аграр сиёсат учун стратегиялар ва ривожланиш имкониятларини таҳлил этиш ҳамда ишлаб чиқиш учун қўлланилади. IAMO 1994 йилда ташкил этилганидан буён Германиянинг мустақил тадқиқот институтлари жамоаси бўлган Лейбниц Уюшмасининг аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.